



№ 16

Ижобий аудиторлик хулосаси

“ХОВРЕНКО номидаги Самарқандвинокомбинати” АЖ (адресат) реквизитлари:

Самарқанд шаҳри, Махмуд Қошқарий кучаси 58-уй; СТИР-201538312; ХХТУТ-18143; Вино маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноати.; х/р:2020 8000 9002 1638 5001; ОАТБ “Хамкорбанк” Самарқанд филиали; МФО-01030. Тел; (8-62)233-10-23.

Кириш қисми

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш. Юнусобод т.; А.Темур 1-тор кўчаси 2-уй; Tel: 236-11-60 факс 236-24-32; Адлия Вазирлигининг 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувоҳномаси; Молия Вазирлигининг 29.02.2008 йилдаги 00124-сонли лицензияси; АТИБ Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001; МФО 00423; СТИР 202629997; ХХТУТ 84400 “Аудиторлик фаолияти”.

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмаилов Адилбек Матчанович.

“ХОВРЕНКО номидаги Самарқандвинокомбинати” АЖ нинг 2015 йил 1 январдан 2015 йил 31 декабргача давр молиявий ҳисоботлари 15.02.2016 йилдаги 16-шартнома асосида аудит текширувдан ўтказилди.

Аудитга “Бухгалтерия баланси”-1-шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”-2-шакл, “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”-4-шакл; “Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот”-5-шакл; Изохлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобот, ҳисоб-китоблар ва маълумотномалар, журнал-ордер, ҳужжатлар ва банк кўчирмалари тақдим этилди.

“ХОВРЕНКО номидаги Самарқандвинокомбинати” АЖнинг раҳбарияти аудиторлик текширувдан ўтказиладиган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг ҳаққоний бўлиши учун жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хулосасининг “ХОВРЕНКО номидаги Самарқандвинокомбинати” АЖ нинг молиявий ҳисоботига мувофиқ бўлиши учун жавобгар.

Қайд этиш қисми

Биз аудиторлик текширувини АФМА га мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асос беради деб ҳисоблаймиз.

Якуний қисми

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект “ХОВРЕНКО номидаги Самарқандвинокомбинати” АЖ нинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

«Osiyo-Audit» аудиторлик
ташкилоти директори, аудитор

2016 йил “25” феврал

А.Исмаилов